

Футболчи Ҳаким Зиеш 262 минг фунт стерлинг маблағини Марокашдаги камбағалларга хайрия қилди



15:26 / 16.12.2022 1401

Марокашлик таниқли футболчи Ҳаким Зиеш 2022 йилда Қатарда бўлиб ўтаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги шов-шувли ўйинидан сўнг ўз бонусидаги 262 минг фунт стерлинг ҳисобидаги маблағини хайрия ишларига ўтказиб берди. Бу ҳақда theislamicinformation.com манбаси хабар берди.

2015 йилда Марокаш миллий терма жамоасига илк бор чақирилган Зиешнинг сўзларига кўра, унинг барча бонус пуллари хайрия ташкилотлари ва жамоаси аъзоларига ўтказилган. Бундан ташқари Марокашдаги ҳаваскор футбол клублари ва касалхоналарига ҳам пул хайрия қилгани айтилади.

Arabic Post via Complete Sports хабарига кўра, «Челси» юлдузи Марокаш миллий терма жамоасига чақирилганда ижарага шахсий самолёт олади.